

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция

- [Jismoniy tarbiya instituti](#)



27.11.2014 Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга бағишлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўтказилган сиёсий – ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзДЖТИ ректори Ш.Исроилов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Каримов, Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалар қўмитаси аъзоси А.Рахмонов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси С.Курбанкулов, Фуқаролик жамиятини шаклланишини Мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси З.Амиров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудирлари А.Мухторов, Қ.Нажмиддинов, Тошкент архитектура-қурилиш институти кафедра мудирлари Т.Алимардонов, факультет деканлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, ва 220 нафар талаба иштирок этди.

Тадбирни институт ректори Ш.Исроилов очик деб эълон қилиб, талаба-ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий саводхонлик салоҳиятини янада ошириш, айниқса, талаба-ёшларнинг сайлов ҳуқуқи борасидаги маданиятини кучайтириш мақсадида доимий равишда турли тадбирлар ташкил этилаётганини таъкидлаб ўтди ва сўзни асосий маърузачиларга берди.



Шундан сўнг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари **З.Каримов** сўз олди. Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумътироф этилган халқаро нормалар иноватга олинган ҳолда, босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Сайлов тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция”** си билан узвий боғлиқ. Унда сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатилган вазифалар сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Аҳоли, айниқса, талаба-ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаши, жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган сиёсий жараёнларга тўғри баҳо бера олиши, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига бўлган дахлдорлик туйғуси ортиб бораётгани амалга оширилаётган туб ислохотларни муҳим самараси эканлигини таъкидлади.

Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, шунингдек, доимий равишда амалга ошириладиган ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошқоралигини, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг яна бир муҳим кафолати эканлиги тўғрисида талаба-ёшларга тўлиқ ахборот бериб сўзни, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси **Қурбонкулов Суяръон Машариповичга** берди. Маърузачи томонидан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларни такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда сайлов тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун моҳияти тўғрисида гапирди.

Тадбир қатнашчилари сайлов жараёни муайян ҳуқуқий меъёрлар, Конституция ва сайлов қонунчилигида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилиши, сайловларни ташкил қилиш амалдаги сайлов тизими билан чамбарчас боғлиқлиги, қолаверса, сайлов тизимининг асосий вазифаси халқ хохиш-иродасини намоён этиш ва ҳокимият органларининг самарадорлигини таъминлашдан иборат эканлиги, бугунги кунда жаҳон

мамлакатлари амалиётида энг кўп учрайдиган сайлов тизимлари мажоритар (муқобил) ва пропорционал (ваколатли) сайлов тизимлари мавжудлиги борасидаги маълумотларни гапириб ўтди.

Тадбир давомида институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари мавжуд сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли тартибда жавоб олдилар.

ЎзДЖТИ «Маънафийат ва марифат» бўлими

Саидова М.